

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ

264 Товарлар импортини божхона-тариф жиҳатдан бош- қаришни такомиллаштиришга оид қўшимча чора- тадбирлар тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси худудига истеъмол товарларининг айрим турларини олиб киришни янада оптималлаштириш ва халқаро амалиётда умум-эътироф этилган божхона божларини хисоблаш усулларини жорий қилиш мақсадида:

1. 2011 йилнинг 1 августидан бошлаб товарларнинг айрим турларига импорт божи ставкалари иловага* мувофиқ ўрнатилсин.

2. Белгилансинки, 2011 йилнинг 1 июлига қадар «вақтинчалик сақлаш» божхона режимида жойлаштирилган товарларни 2011 йилнинг 1 октябрига-ча эркин муомалага чиқаришда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солиш борасидаги қўшимча чоратадбирлар тўғрисида» 2009 йил 5 августдаги ПҚ-1169-сонли қарори билан тасдиқланган ставкалар қўлланади.

2011 йилнинг 1 октябридан бошлаб «вақтинчалик сақлаш» режимидан эркин муомалага чиқариладиган мазкур товарларга ушбу қарор билан тасдиқланган импорт божхона божлари қўлланилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси олиб кирилаётган товарларнинг божхона расмийлаштируви бўйича ўрнатилган тартибга қатъий риоя этилишини таъминласин, уларнинг қонунга хилоф равишда олиб кирилишига йўл қўйилмаслиги ва божхона тўловлари тўғри хисобланиши устидан таъсирчан назорат ўрнатсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги Ўзбекистон Республикасининг манфаатдор вазирликлари ва идоралари билан биргалиқда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

5. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республика-

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

264-модда

— 6 —

26 (474)-сон

си Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклан-
син.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2011 йил 28 июнь,
ПҚ-1560-сон